

**ОММАВИЙ ТАРТИБСИЗЛИКЛАР ОҚИБАТИДА ЮЗАГА КЕЛИШИ МУМКИН  
БҮЛГАНФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ТАЛОФАТЛАРНИ КАМАЙТИРИШДА ВА ЁНГИН  
ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ТАДБИРЛАРИ**

Содиков Баходиржон Кенжаевич

Подполковник Ўзбекистон Республикаси ФВВ Сирдарё вилояти  
Фавқулодда вазиятлар бошқармаси ТБМ  
Ахборот таҳлил хизмати бошлиғи

**Аннотация:** Табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш, ёнгин хавфсизлиги, сейсмик кузатувлар, кичик ҳажмли кемалардан хавфсиз фойдаланиш, сув обьектларида фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилиш соҳасида ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этиш. Фавқулодда вазиятлар ва ёнғинлар юзага келишининг олдини олиш ва профилактика тадбирларини ташкиллаштиришдан иборат.

**Abstract:** Participation in the development and implementation of a unified state policy in the field of prevention and elimination of natural and man-made emergencies, fire safety, seismic monitoring, safe use of small vessels, protection of life and health of citizens in water bodies. It consists in the organization of prevention and preventive measures against the occurrence of emergency situations and fires.

**Калит сўзлар:** Аҳолини эвакуация қилиш, тадбирлар, ташкил этиш, Фавқулодда вазиятлар, шахсий ва жамоавий ҳимоя воситалари, табиий ва техноген, хавф-хатар, сейсмик кузатувлар.

**Keywords:** Evacuation of the population, events, organization, Emergency situations, personal and collective protective equipment, natural and man-made, danger, seismic observations.

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасида фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бартараф этиш ҳамда ёнгин хавфсизлигини таъминлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш тўғрисида»ги ПФ-5706-сон Фармонига мувофиқ ҳамда фавқулодда вазиятлар тузилмаларининг фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг бошқа таркибий тузилмаларига берилишига йўл қўймаган ҳолда, Ёнгин хавфсизлиги бош бошқарма ва Ёнгин хавфсизлиги институтининг бинолари, иншоотлари, маҳсус ва автомобиль техникалари, ускуналари, асбоб-анжомлари ва бошқа мол-мулкининг сақланишини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни қабул қилинган.

Тадқиқот методологияси. Ҳаётий фаолият соҳаларида хавфсизликни амалга ошириш усуслари. Фавқулодда вазиятларда иқтисодий объектларнинг барқарорлиги, тамойиллари ва барқарорлигини ошириш йўллари. Ходимлар хавфсизлигини яхшилаш йўллари. Муҳандислик-техник мажмуаси ва объектларни бошқариш тизими барқарорлигини ошириш чора-тадбирлари. Саноат ва фуқаролик объектларига меъёрий ҳужжатлар талаблари. Фавқулодда вазиятларда аҳолини муҳофаза қилишнинг асосий тамойиллари ва усуслари. Фавқулодда вазиятлар ва замонавий қирғин воситаларидан ҳимоя қилиш чора-тадбирлари. Тинчлик даврида ва уруш давридаги шароитда аҳолини муҳандислик ҳимояси. Аҳолини эвакуация қилиш тадбирларини ташкил этиш. Фавқулодда вазиятларда биринчи ёрдам кўрсатиш. Ижтимоий характердаги фавқулодда вазиятлар Фавқулодда вазиятларнинг психологик жиҳатлари. Фавқулодда вазиятларда жабрланганларга шошилинч психологик ёрдам кўрсатиш. Шахснинг фавқулодда вазиятларга психологик тайёргарлик даражаси. Аҳоли ва ҳудудларни муҳофаза қилишни ташкил этиш. Ҳимоя иншоотлари, бошпаналар жумласидан. Фавқулодда вазиятларда ходимлар ва аҳоли учун бошпана ташкил этиш объектнинг профилига қараб тикилган ҳодисаларнинг ўзига хос ҳусусиятлари. Шахсий ва жамоавий ҳимоя воситалари. Ишлаб чиқариш объектларида табиий оғатлар, ёнғинлар, авариялар ва портлашлар содир бўлганда аҳолини муҳофаза қилиш. Зилзилалар юз берганда ташкилий-амалий хавфсизлик чоралари. Аҳолини хабардор қилиш: алоқа ва хабар беришни ташкил этиш. Хавфсизлик ишлаб чиқаришни бошқаришнинг автоматик ва автоматлаштирилган тизимларини жорий этишдан иборат.

Илмий амалий натижалари. Олиб борилган илмий қонунчилик доирасидаги таҳлиллар асосий вазифалари қўйидагилар ҳисобланади

-табиий ва техноген ҳусусиятли фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш, ёнғин хавфсизлиги, сейсмик кузатувлар, кичик ҳажмли кемалардан хавфсиз фойдаланиш, сув объектларида фуқароларнинг ҳаёти ва соғлигини муҳофаза қилиш соҳасида ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этиш;

-фавқулодда вазиятлар ва ёнғинлар юзага келишининг олдини олиш ва профилактика тадбирларини ташкил этиш;

-аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш, фуқаро муҳофазаси, ёнғин хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек, кичик ҳажмли кемалардан хавфсиз фойдаланиш, сув объектларида фуқароларнинг ҳаёти ва соғлигини муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат назоратини, рухсат бериш ва бошқа маҳсус функцияларни амалга ошириш;

-аҳоли ҳаётига, соғлиғига ёки мол-мулкига хавф-хатар туғилганда комплекс ёрдам кўрсатиш, фавқулодда вазиятлар хавфи юзага келганда ёки содир бўлганда

улар тўғрисида аҳолини ўз вақтида огоҳлантириш ва хабардор қилишни ташкиллаштириш;

-Фавқулодда вазиятларда уларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизимини (кейинги ўринларда — ФВДТ) фаолиятини ҳамда фуқаро муҳофазаси ва ёнғин хавфсизлигини ташкил этиш ва таъминлашда иштирок этиш;

-фавқулодда вазиятлар ва ёнғинларнинг юзага келиши ва ривожланиши хавфини комплекс мониторинг ва прогноз қилишни таъминлаш, шунингдек, сейсмик кузатувлар олиб бориш;

-табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бартараф этиш, фуқаро муҳофазаси, ёнғин хавфсизлигини таъминлаш соҳасида давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ҳамда бошқа ташкилотларнинг фаолиятини, ушбу мақсадлар учун молиявий, озиқ-овқат, тиббий ва моддий-техник ресурсларнинг давлат захира фонdlарини шакллантиришга доир ишларини мувофиқлаштириш ва уларнинг самарали ҳамкорлигини ташкил этиш;

Фавқулодда вазиятларни бартараф этиш, ёнғинларни ўчириш, инсонлар ҳамда юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкини қутқариш тадбирларини ташкил этиш, вазирлик органлари ва тузилмалари куч ва воситаларининг доимий шайлигини таъминлаш. Табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш, фуқаро муҳофазаси, ёнғин хавфсизлигини таъминлаш, сейсмик кузатувлар, кичик ҳажмли кемалардан хавфсиз фойдаланиш, сув обьектларида фуқароларнинг ҳаёти ва соғлигини муҳофаза қилиш, шунингдек, фавқулодда вазиятларда иқтисодиёт обьектлари фаолиятининг барқарорлигини ошириш соҳасидаги илмий-техник ва инновацион сиёsat олиб боришнинг устувор йўналишларини белгилаш ва мақсадли илмий-техник дастурларни тасдиқлаш лозим.

Хулоса ва таклифлар. Юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг самарали тизимини яратиш, шунингдек, Вазирлик ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш. Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларнинг оқибатларини бартараф этиш соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга ошириш, шунингдек илғор хориж тажрибасини ўрганиш, умумлаштириш ва тарғиб қилиш. Ишлаб чиқариш ва ижтимоий аҳамиятдаги обьектларда, шунингдек, йўл-транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмаларида фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, оқибатларини камайтириш ва бартараф этишга қаратилган қурилиш ишларини, реконструкция, капитал таъмирлаш, муҳандислик-қурилиш, ўрмончилик ва мелиоратив тадбирларни бажариш.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қурамиз. Тошкент, «Узбекистон», 2017 йил, 488 бет.
2. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Узбекистон давлатини биргалиқда барпо этамиз. Тошкент, «Узбекистон», 2016 йил, 56 бет.
3. Мирзиёев Ш.М. Қонун устворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш-юрга тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Тошкент, «Ўзбекистон», 2017 йил
4. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг №ПФ 4947 сонли фармони, 7 феврал 2017йил. “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”
5. Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини ва худудларни табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонуни. 20.08.1999 й.
6. Ўзбекистон Республикасининг “Хавфли ишлаб чиқариш обьектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида”ги қонуни. 28.09.2006 й.
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 27.10.1998 йилдаги “Табиий, техноген ва экологик тусдаги фавқулодда вазиятларнинг таснифи тўғрисида”ги 455-сонли қарори.
8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 24.08.2011 йилдаги “Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятларда уларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 242-сонли қарори.
9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 28.12.2017 йилдаги “Табиий, техноген ва экологик хусусиятли фавқулодда вазиятлар мониторинги ва прогнозлаш ягона тизими тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги 1027-сонли қарори.
10. Узбекистон Республикасининг 26.12.2008 йилдаги “Қутқарув хизмати ва қутқарувчи мақоми тўғрисида”ги қонуни.
11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 5 январь кунидаги “Қутқарув хизматлари ва қутқарув тузилмаларини фавқулодда вазиятларни бартараф этишга жалб қилиш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 2-сонли қарори.
12. Федорук В.С, Рябшев А.И, Тикунов К.Б, Залозныш В.В. Безопасность ведения спасательных работ. Книга 2. Безопасность ведения спасательных работ при чрезвычайных ситуациях природного характера. Учебное пособие. - Новогорск: АГЗ, 2000.